



Суратларда: (юқоридан) съезд залининг умумий кўриниши (ўнгда) Съезд қатнашчиларидан бир гуруҳи. (Пастда) делегатлардан Т. Худоёрова, Г. Туланова, У. Анорбоевалар ўзаро суҳбатлашмоқдалар. А. Абалин фотолари.

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

16 ИЛ ЧИҚИШИ

№ 225 (4216).

13

НОЯБРЬ

ПАЙШАНБА

1969 ИЛ

Баҳоси 2 тийин

УЛКАН АНЖУМАН

12 ноябрда Тошкентдаги Санъат саройи Ўзбекистоннинг колхозчи-деҳқонларига қизғин салом сузлари ёнган қизил алвонлар билан безатилди. Икки миллион колхозчи — деҳқонлар ва чорвадорларнинг икки мишга яқин вакиллари Ленинча кооператив планини амалга ошириш соҳасида республикада қилганин жуда катта ишларнинг натижаларини Илйич туғилган куннинг 100 йиллиги арафасида яқулламоқ, колхознинг янги намуна Устави лойиҳасини биргалликда муҳокама қилмоқ учун бу ерда ўтказилган республика колхозчилар съездида тўплашди.

Кўпгина делегатларнинг кўксини безатган орденлар ва медаллар прожекторлар нурида ярқираб турибди. Залда—колхоз ишлаб чиқаришининг ветеранлари ва раҳномалари, пахта, дон, шOLI ва бошқа экинлардан мўл ҳосил етиштирган миришкорлар, ўзининг қундалик меҳнати билан қишлоқ хўжалигида техникани гоёт тез суръатлар билан тараққий эттираётган юз миң кишилик механизаторлар—дала гвардиячиларининг вакиллари, ирригаторлар, чўпонлар ва сут соғувчилар, агрономлар ва инженерлар, партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг, қишлоқ хўжалик органларининг ходимлари ўтиришди.

Эрталаб соат 10. Республикадаги колхоз ишлаб чиқаришининг энг кенс ташкилотчиларидан бири, Хоразм областининг Ҳазорасп райондаги Наринмонов номи колхоз раиси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони И. Дўсов микрофон олдида келиб, съездни очди. СССР ва Ўзбекистон ССР давлат тинчилари илгирайди.

Съезд президиуми яқдиллик билан сайланади. Қишлоқларнинг дондор кишиллари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари, колхоз ишлаб чиқаришининг оқсоқоллари президиумдан жой оладилар. Президиумда—КПСС Марказий Комитети Сийёсий Бюросининг аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети Бюросининг аъзолари ва партия Марказий Комитети бюроси аъзолигига кандидатлар И. Г. Анисимкин, Р. Қурбонов, В. Г. Ломоносов, Н. М. Матчонов, М. А. Абдуразақов, Е. С. Насриддинов, Р. Н. Нишонов, М. А. Абдуразақов, С. Р. Расулов, М. Т. Турсунов, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми раисининг ўринбосари А. С. Абдалиев, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари Г. А. Ғабриелъян, С. К. Зиедудлаев, М. З. Мирзаахмедов, А. Р. Хўжаев, СССР Қишлоқ хўжалик министри В. В. Макеевич, КПСС Марказий Комитетининг сектор мудири Т. Н. Острогов, СССР Енгил саноат министрининг ўринбосари Е. Т. Алексеев ва бошқалар ўтирибдилар.

КПСС Ленинчи Марказий Комитетининг Сийёсий Бюроси гоёт баланд руҳ билан съезд фахрий президиумига сайланади. Съезднинг маъдаат комиссияси ва секретариати сайланади.

Съезд кун тартибига битта масала—колхоз намуна Устави лойиҳасини муҳокама қилиш масаласи киритилди. Бу масала ҳақида Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг раиси Р. Қурбонов доклад қилди.

Доклад тамом бўлгач съездни пионерлар табриклашди.

Съезд маъдаат комиссиясининг докладыни тинглади. Бу докладда съезд қатнашчиларининг состави тўғрисидаги маълумотлар айтиб берилди. Шу нарса диққатга сазовордирки, съездга делегат бўлиб келганлардан 1233 киши олий, туңикенз олий ва ўрта маълумотли кишилардир. Съезднинг состави қишлоқда рўй берган жуда катта ўзгаришларни яққол кўрсатиб турибди.

Сўнгра съезд Р. Қурбонов докладини муҳокама қилишга киришди. Музокарада Бухоро область Ғиждувон райондаги «Гулистон» колхозининг раиси С. Ҳамидов, Қашқадарь область партия комитетининг биринчи секретари Р. Ғ. Ғойибов, Тошкент область Оржоникидзе райондаги Ленин номи колхоз сут соғувчиси М. Мирсалимова, Фарғона область Киров райондаги «Москва» колхозининг раиси М. Мадаминов, Сирдарё область Жиззах райондаги «Москва» колхозининг бош зоотехниги С. Эсонова, Андижон область Баллиқчи райондаги «Қизил Юду» колхоз ревизия комиссиясининг раиси У. Қўзиев, Самарқанд область Хатирчи райондаги Ленин номи колхоз раиси К. Раҳматов, Наманган область Поп райондаги «Партия XXII съезди» колхозининг бригадир Н. Имомалиева сўзга чиқдилар.

Республика пойтахти ишчилар сифининг намоёндалари колхозчилар республика съездини табрикладилар. «Ташсельмаш» заводининг мастери Социалистик Меҳнат Қаҳрамони М. Юсупов ишчилар сифи номида қишлоқ хўжалик меҳнаткашларига қизғин салом топишди. Тошкент ишчиларининг намоёндалари Илйич чинқирган Уроқ ва Болга иттифоқи мустақамлиги рами бўлган пахта териш машинаси моделини съездга эсдалик совға қилиб топишдилар.

Танаффусдан сўнг съездда докладнинг муҳокамаси давом эттирилди. Муҳокамада Хоразм область Урганч райондаги Ленин номи колхоз раиси С. Қаландаров, Қорақалпоғистон АССР Тўртқўл райондаги Димитров номи колхоз бригадир И. Олоберганов, Сурхондарё область Шўрчи райондаги Ядванов номи колхозда истеъмат қилувчи колхоз тузумининг ветерани У. Дониёров, Бухоро область Топди райондаги «Жана шаруа» колхозининг бош чўпони К. Нурматов, Бутуниттфот пахтачилик илмий-тадқиқот институтининг директори Н. М. Маннонов, СССР Қишлоқ хўжалик министри В. В. Макеевич қатнашдилар.

Қизил Байроқли Туркистон Ҳарбий Округининг жангчилари колхозчи деҳқонларнинг намоёндаларини табрикладилар.

Съездда КПСС Марказий Комитети Сийёсий Бюросининг аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов нутқ сўзлади.

Муҳокама қилинган масала юзасидан съезд қарор қабул қилиб, колхоз намунавий Уставининг лойиҳасини яқдиллик билан маъқуллади.

Ўзбекистон колхозчилари съездининг қатнашчилари баланд руҳ билан КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советига табриқнома йўлладилар. (ЎзТАҒ).

ҲАММА ДАЛАДА

Шу кунлардаги об-ҳавонинг ҳар бир очиқ кундан унумли фойдаланиб, пахта теримини қизғин тус олдираётган Юқори Чирчиқ райондаги Свердлов номи колхоз деҳқонлари кечаю-кундуз пахта далаларида тер тўқмоқдалар.

Ҳозиргача «зангори нема» бункерларидан тўқилган пахта 2040 тоннадан ошиб кетди. Мана шу пахтани теришда Ли Антон, Усқин Бекенов каби механизаторлар айнасида маҳорат кўрсатишди. Уларнинг терган пахтаси 70 тоннадан ошди.

Колхозда хотин-қиз механизаторлар ҳам бор. Шарифа Қуролова, Бувайдо Раҳмоновлар ҳозиргача ўз агрегатларидан 50 тоннадан ошриб пахта тўқдилар.

А. КИМ.

32 ЦЕНТЕР УЧУН

АНГИНЪЛ. Бу йил 100 тектар ерда деҳқончилик қилаётган Навоий номи колхозининг ўқинибой Азиев бошлиқ мотоп-текс-механизациялашган бригада пахтакорларининг қўлаган марралари юксак. Улар гектар бошига олинмаган ҳосилдорлигини 25 центнер ўрнига 32 центнерга етказишга аҳд қилинган.

Бригада хирмонининг юксалишига муносиб ҳисса қўнаётган А. Жуманов, С. Қўчқоров каби механизаторларнинг хизмати катта бўляпти.

И. АБДИЕВ.

ШОЛИ ДАВЛАТГА

ОБЛАСТИМИЗ КОЛХОЗ ВА СОВХОЗЛАРИДА ДАВЛАТГА ШОЛИ СОТИШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 12 НОЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Йиллик планга нисбатан процент ҳисовида)

Областимиз шолкорлари кечаги кунгача давлат хирмонига 7177 тонна шоли тўқиб, йиллик планни 42,2 процент бажардилар. Бу хирмонга Оржоникидзе райони — 93,0, Янгийўл райони — 61,0, Калинин райони — 51,3, Окқўрғон райони — 41,9, Окқўрғон райони — 35,3, Юқори Чирчиқ райони — 34,4, Бўка райони — 26,9, Бўстонлиқ райони — 13,5 процент шоли тўқинган. Кечаги кунда йиллик планга нисбатан 5,9 процент шоли тўқкан ўрта Чирчиқ ҳамда 5,1 процент микдорда шоли тўқкан Окқўрғон районининг шолкорлари энг юқори кўрсаткичга эришдилар.

356.000

ОБЛАСТИМИЗ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЕРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 12 НОЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

Биринчи ступ — районлар, Иккинчи ступ — бир кунда, учинчи ступ — мавсум бошидан бери, тўртинчи ступ — бир кунда машинада терилгани, бешинчи ступ — мавсум бошидан буйен машинада терилгани.

Оққўрғон	0,04	88,05	0,01	72,15
Янгийўл	0,18	86,63	0,08	50,80
Юқори Чирчиқ	0,20	72,07	0,10	64,30
Оржоникидзе	0,59	71,89	0,08	48,00
Ўрта Чирчиқ	0,05	71,40	0,07	30,89
Бекобод	0,08	61,99	0,02	34,71
Бўка	0,05	59,72	0,02	34,71
Область бўйича	0,09	73,93	0,04	50,11

тонна учун

Ю К С А К М У К О Ф О Т М У Б О Р А К



Н. ФОМИН.



Л. БИМАН.

«ПК-100» типидagi йиғираш-пишкитиш машинасининг донги бутун оламга ёйилган десак, муволажа қилмаган бўламиз.

Бу агрегат жаҳон туңичачилик машинасозлиги саноатининг катта ютуқларидан бири ҳисобланади. Ўзи муъжазгина бўлишга қарамай, бир йўла туртта операцияни бажаради: илгини йиғиради, пишитади ва ўрайди. Шунинг учун ҳам у қатор халқаро кўргазмаларда жуда юксак баҳолашди. Масалан, Брюн шаҳрида бўлиб ўтган халқаро машинасозлик вистанкасининг олтин медалини олди.

Республика машинасозлик саноатининг энг ноёб ютуқларидан бири бўлган бу агрегат мамлакат корхоналарида тобора қўллаб жорий қилинмоқда. Уни деярли барча шаҳарлардаги туңичачилик корхоналарида учратиш мумкин. Айни вақтда уни харид қилаётган чет эл мамлакатлари қатори ҳам йилдан-йил-

га кенгайяпти. Эндигина ривожланган давлатлар қатори жаҳоннинг тараққий этган, мамлакат деган капиталистик мамлакатларида ҳам унга қизиқиш катта. Ҳатто Япония, Франция, Англия давлатлари ҳам бу машиналарини сотиб оляпти.

Шуниси қувончлики, бу агрегат тайёрланаётган яккаю-ггона завод республикаимиз пойтахтидаги туңичачилик машинасозлиги корхонасидир. Бир неча йилдан буйен «ПК-100» машинаси корхона дарвозасидан чиқиб, туңичачилик фабрикаларига йўл олмақда. Ишчилар, инженер-техник ходимлар, конструкторлар ана шунини яратиш ва ишлаб чиқаришни кенг йўлга қўйиш борасида тиним билмай излашди, жуда кўп қийинчиликларни мардонавор енгдилар.

Бу агрегатни ишлаб чиқаришга кенг жорий қилиш туфайли миллион сўмлаб давлат маблағини тежаб қолтиш мумкин. Шу-

нинг учун ҳам жаҳонга машҳур бўлган бу машинани яратган ва уни ишлаб чиқаришни йўлга қўйган мутахассислар меҳнати жуда юксак тақдирланди — улар СССР Давлат мукофотиغا сазовор бўлишди. Бу мукофотни олган бир гуруҳ конструкторлар ва мутахассислар орасида ҳамшаҳарларимиз ҳам бор. «Таштестильмаш» заводининг бош технологи Василий Михайлович Филимонов, шу заводнинг собиқ ходимларидан — директор Николай Федорович Проскураков, бош конструктор Николай Петрович Фомин, инженер-технолог Мендель Моисеевич Украинский, Тошкентдаги махсус туңичачилик машиналари конструкторлик бюросининг бошлиғи Леон Робертович Биман, шу бюро бўлган бошлиғининг ўринбосари Олег Георгиевич Острогожский ўртоқлар шулар жумласидандир.



В. ФИЛИМОНОВ.



О. ОСТРОГОЖСКИЙ.

Хамидулла ИКРОМОВ,
Масъул устоз, Ўзбекистон

